

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

БОБАЕВ ИСОМИДДИН ДАВРОНОВИЧ

***CARYOPHYLLACEAE, LAMIACEAE* ОИЛАЛАРИГА МАНСУБ
ЎСИМЛИКЛАР ЭКДИСТЕРОИДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
МОДИФИКАЦИЯСИ**

02.00.10-Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

**Кимё фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по
химическим наукам
Contents of the abstract of doctor dissertation (DSc)
on chemical science**

Бобаев Исомиддин Давронович <i>Caryophyllaceae, Lamiaceae</i> оилаларига мансуб ўсимликлар экистероидлари ва уларнинг модификацияси.....	3
Бобаев Исомиддин Давронович Экистероиды растений семейств <i>Caryophyllaceae, Lamiaceae</i> и их модификации.....	29
Bobaev Isomiddin Davronovich Ecdysteroids plants of families <i>Caryophyllaceae, Lamiaceae</i> and their modification	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	59

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

БОБАЕВ ИСОМИДДИН ДАВРОНОВИЧ

***CARYOPHYLLACEAE, LAMIACEAE* ОИЛАЛАРИГА МАНСУБ
ЎСИМЛИКЛАР ЭКДИСТЕРОИДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
МОДИФИКАЦИЯСИ**

02.00.10-Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/К20 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.biochem.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz.](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Рамазонов Нурмурод Шералиевич
кимё фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Арипова Салимахон Фозиловна
кимё фанлари доктори, профессор

Абдулладжанова Нодира Гулямжановна
кимё фанлари доктори

Сағдуллаев Баходир Тохирович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» октябрь соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент ш, Мирзо Улуғбек кўч., 83, Тел. (99871) 262-25-40, факс (99871) 262-70-63, e-mail: asgarov54@mail.ru).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (Д- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел. 262-35-40, факс (99871) 262-70-63, e-mail: asgarov54@mail.ru.

Диссертация автореферат 2017 йил “__” _____ куни тарқатилди.
(2017 йил “__” _____ даги рақамли реестр баённомаси).

Ш.И. Салихов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

М.И. Асрамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

А.А. Ахунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда ноқулай экологик шароитлар таъсирида аҳоли орасида турли хасталиклар, иммунитет пасайиши, толиқиш, қонда патологик ўзгаришлар, жароҳатларни тез тикланмаслиги каби ҳолатлар кузатилмоқда. Ушбу касалликларни профилактика қилиш ва даволаш учун адаптоген хоссага эга фитоэкдистероидлар асосида доривор воситаларни яратиш долзарб муаммолардан биридир. Адаптоген дори воситаларни яратиш учун экдистероид сақловчи янги ўсимлик манбаларини аниқлаш, биологик фаол индивидуал компонентларни ажратиш, янги фармакологик фаолликга эга ҳосилаларини синтез қилиш зарур бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакат аҳолисини маҳаллий ўсимлик хом ашё манбаларидан олинган, сифатли дори-дармон билан таъминлаш мақсадида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Маҳаллий ўсимликлардан экдистероид сақловчи дори воситалари «Экдистен», «Туркестерон», «Аюстан» дори воситалари ҳамда «Жистенин», «Эксумид» каби биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқилмоқда. Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз бой хом ашё ресурсларига эга бўлишига қарамай, адаптогенли ва қандли диабетга қарши қўлланилаётган дори воситаларини ҳориждан олиб келиниши бугунги кун талабларига тўла жавоб бермайди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4 йўналишида фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада адаптогенли ва қандли диабетга қарши дори воситаларининг ҳориждан олиб келинишини инобатга олиб, мавжуд хом ашёлардан самарали фойдаланиш, сифатли, жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган ушбу дори турларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда экдистероид сақловчи янги ўсимлик турларини аниқлаш, индивидуал ҳолда ажратиш, янги аналогларини синтез қилиш, ажратиб олинган ва синтез қилинган ҳосилаларни таққослаб биологик фаоллигини аниқлаш, фаоллиги юқори ҳосилаларини амалиётга жорий этиш долзарб муаммолардан биридир. Экдистероидларнинг асосий манбаси бўлган *Caryophyllaceae*, *Lamiaceae* оиласи ўсимликлари орасидан янги манбаларни аниқлаб: таркибидан экдистероидларни ажратиш; индивидуал бирикмаларни тузилишини исботлаш; модификация йўли билан биологик фаоллиги юқори ҳосилаларини синтез қилиш; ажратилган ва модификацияланган янги ҳосилаларни таққослаб биологик фаоллигини аниқлаш; биологик фаоллиги юқори бўлган мавжуд хом ашё манбаларидан ажратиб олинган фаол бирикмаларни амалиётга тадбиқ этиш долзарб мавзулардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги ПҚ-2595-сон «2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори ва

2017 йил 7 февралда ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш-нинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи^{1,2}. Экдистероид сақловчи ўсимлик турларини аниқлаш, ўсимликдан экдистероидларни ажратиб олиш, аввал маълум бўлмаган, табиатда кам миқдорда учрайдиган, ажратиб олиш қийин ҳосилаларни синтез қилиш ва улар асосида доривор воситалар ва биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Эксетер университети (АҚШ), Пьер ва Мария Кюри университети (Франция), Веймутск колледжи (Буюкбритания), Энтомология институти (Чехия), Сегед университети (Венгрия), Коми биология институти Урал бўлими илмий маркази (Россия), Нефтекимё ва катализ институти (Россия), «Фитокимё» Халқаро илмий-ишлаб чиқариш холдинги (Қозоғистон), Ўсимлик моддалари кимёси институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ўсимликлар таркибидан экдистероидларни излаш ва ажратиш, уларни кимёвий тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: ўсимликлардан турли экдистероидлар ажратилган ва уларнинг кимёвий тузилиши аниқланган (Эксетер университети, США; Сегед университети, Венгрия; Томск Давлат университети, Россия); кимёвий трансформация йўли билан экдистероидларни янги ҳосилалари олинган (Биоорганик кимё институти, Беларусь; Нефтекимё ва катализ институти, Россия); *Rhaponticum carthamoides* ўсимлиги ер остки қисмидан 20-гидроксиэкдизон ажратиб олинган ва у асосида «Экдистен» препарати яратилган (Ўсимлик моддалари кимёси институти, Ўзбекистон); Коми биология институтида *Serratula coronata* L ўсимлигининг ер устки қисмидан экдистероид сақловчи адаптоген хоссага эга «Серпистен» субстанциясининг олиш технологияси ишлаб чиқилган («Комибиофарм» ОАЖ, Россия).

Дунёда ўсимликлардан экдистероидлар ажратиш ва модификацияси бўйича қатор, жумладан қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: янги экдистероидга бой ўсимликларни аниқлаш, таркибидан экдистероидларни ажратиб олиш ва уларнинг кимёвий тузилишини аниқлаш; индивидуал экдистероидларни янги ҳосилаларини синтез қилиш; биологик фаоллиги кимёвий тузилишга боғлиқлигини аниқлаш; экдистероид сақловчи

¹https://leuzea.ru/direct/ecdystenum_technology-22.htm

²<http://ecdybase.org/>

дори шакллари олиш технологияларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Caryophyllaceae, Lamiaceae* оиласига мансуб ўсимликлардан микдор жихатдан кўп экдистероид сақловчи ўсимлик захираларини излаш, индивидуал ҳолда экдистероидларни ажратиб олиш усулларини ишлаб чиқиш, ушбу экдистероидларни модификация йўли билан янги ҳосилаларини синтез қилиш, уларнинг кимёвий тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Хорижлик олимлар R. Lafont, L. Dinan, R. Hyodo, Yo. Fujimoto, J. Harmatha, F. Marion-Poll, I.D. Wilson, T.W. Goodwin, D.H.S. Horn, A. Suksamrarnлар томонидан ўсимлик хом ашё манбаларидан экдистероидларни ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқилган, кам учрайдиган ҳосилалари синтез қилинган, тузилиши ва биологик фаоллиги аниқланган.

МДХ мамлакатларида ўсимликлар таркибидан экдистероидлар ажратиб олиш, модификациялаш ва биологик фаоллигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларини Л.Н. Зибарева, Л.И. Алексеева, С.О. Володина, В.В. Володин, И.С. Левина, Н.В. Ковганколар томонидан амалга оширилган. Экдистероидларни модификациялаш, олинган бирикмаларнинг тузилиши ва физик-кимёвий тавсифини аниқлашда В.Н. Одинокоев мактаби олимлари чуқур изланишларни амалга оширган.

Ўзбекистонда экдистероид сақловчи янги ўсимлик турларини излаб топиш, индивидуал бирикмаларни ажратиб олиш, тузилишини исботлаш ва биологик фаоллигини аниқлашда Н.К. Абубакировнинг илмий мактаби ва унинг шогирдлари: М.Б. Горовиц, И.Л. Зацны, Б.З. Усманов, З. Саатов, У. Балтаев, Н.Ш. Рамазоновларнинг хизматлари катта. Жаҳонда биринчи экдистероид сақловчи *Rhaponticum carthamoides* ўсимлик илдизидан олинган 20-гидроксиэкдизон асосида кувватлантирувчи дори воситаси «Экдистен» препарати яратилди, муаллифлари Н.К. Абубакиров, М.Б. Горовиц, У. Балтаев, В.Н. Сыров, А.У. Маматханов, Ш.Ш. Сагдуллаевлардир. Препарат спортчиларнинг мусобақага тайёргарлик даврида қўлланилганда юқори самарали эканлигини кўрсатди. Бугунги кунда мақбул экдистероид сақловчи янги турдаги препарат ва биологик фаол қўшимчалар яратишда МДХ мамлакатлари орасида Ўзбекистон Республикаси асосий ишлаб чиқарувчилардан ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-10-123 «*Silene* туркум ўсимликлари экдистероидлари йиғмаси асосида янги самарадор афродизийли хусусиятга эга дори воситасини яратиш» (2006-2008), ФА-А-12-Т119 «Табиий ёки қисман синтез йўли билан олинган экдистероидлар асосида маҳаллий замбуруғларга қарши препарат ва иммуномодулятор хусусиятли БФҚ яратиш» (2009-2011), ФА-А11-206 «*Stachys* ва *Silene* туркум ўсимлик экдистероидлари асосида маҳаллий регенерациялаш ва иммуностимуловчи фаолликга эга препарат яратиш» (2012-2014), ФА-А11-ТО31 «Экдистерон ва унинг полисинтетик ҳосилалари

асосида қандли диабетни даволаш учун янги самарали воситасини яратиш» (2015-2017) мавзусида амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади *Caryophyllaceae*, *Lamiaceae* оиласи ўсимликларидан индивидуал экдистероидларни ажратиб олиш, уларни модификациялаб олинган янги ҳосилаларининг кимёвий тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республикада ўсадиган *Caryophyllaceae* ва *Lamiaceae* оиласи ўсимлик манбаларини экдистероидларга нисбатан кимёвий тадқиқ қилиш;

экдистероидларга бой хом ашё манбаларини танлаш;

ўсимликлар таркибидан индивидуал бирикмаларни ажратиш;

индивидуал бирикмаларнинг тузилишини физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида исботлаш;

экдистероидларни модификацияси учун реакцияларни амалга ошириб, янги ҳосилаларини олиш ва кимёвий тузилишини аниқлаш;

индивидуал ва модификацияланган бирикмаларни биологик фаоллиги тузилишга боғлиқлигини таққослаб аниқлаш;

жароҳатларни тиклаш ва иммуномодуловчи хусусиятга эга субстанция учун лаборатория регламенти ишлаб чиқиш;

жароҳатларни тиклаш ва иммуномодуловчи хусусиятли субстанцияни стандартлаштириш, оғиз орқали истеъмол қилинадиган дори шакллари (таблетка ва капсула) яратиш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистонда ўсадиган *Caryophyllaceae* ва *Lamiaceae* оиласи ўсимликлари, экдистероидлар ва уларнинг модификация шакллари олинган.

Тадқиқот предмети экдистероидларни кимёвий модификацияси, физик-кимёвий хоссалари, биологик фаоллиги ва дори шаклларини стандартлаштириш, субстанция олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда индивидуал экдистероидларни ажратиб олиш ва уларни тозалаш учун колонкали ва юқори самарадор суюқлик хроматографияси усулларида фойдаланилди; экдистероидларнинг модификациялашда янги реакция усуллари ишлаб чиқилди; ажратиб олинган янги бирикмаларнинг кимёвий тузилишини исботлаш учун физик-кимёвий тадқиқот усуллари: ультрабинафша, инфрақизил ва ^1H -, ^{13}C -ЯМР (DEPT, HETCOR-экспериментлар) спектроскопия, масс-спектрометрия қўлланилди; дори воситаларининг сифатини назорат қилиш ва стандартлаштириш учун биологик ва амалий фармакопей усуллардан фойдаланилди.

Диссертация тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Caryophyllaceae ва *Lamiaceae* оиласи ўсимлик янги манбаларининг 14 та туридан 34 та индивидуал экдистероидлар ажратиб олинган, уларнинг тузилиши УБ-, ИҚ-, ^1H -, ^{13}C - ЯМР (DEPT, HETCOR-эксперимент) спектрлар, масс-спектрометрия усулларида идентификация қилинган;

Dianthus angrenicus (*Caryophyllaceae* оиласи), *Eremostachys baissunensis* (*Lamiaceae* оиласи) ўсимликларининг ер устки қисмидан экдистероидлар ва

иридоидларни ажратиб олиш схемаси ишлаб чиқилган ва уларнинг иммуномодуловчи, регенерацион фаоллиги аниқланган;

циастерон, туркестерон, 20-гидроксиэкдизон, 2-дезоксидизонлар асосида экдистероидларнинг 43 та янги ҳосилалари синтез қилинган.

20-гидроксиэкдизоннинг 2-, 3-, 20-, 22-ҳолати бўйича гидрокси-гуруҳларини ацетил-гуруҳлар билан алмашинганда турли даражадаги гипогликемик таъсирга эга бирикмалар олинган;

20-гидроксиэкдизонни 2-, 22-ҳолати бўйича гидрокси-гуруҳи гексансульфо-гуруҳига алмашинганда олинган бирикмаларнинг замбуруғларга қарши фаоллиги *in vitro* шароитидаги тажрибаларда исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иммуномодуловчи фаолликни намоён қилувчи ва тўқималардаги регенерация жараёнини тезлаштириш хусусиятга эга иккита янги «Фломбаиссун» (*Eremostachys baissunensis*) ва «Экдисилен» (*Silene viridiflora*) субстанцияларининг олиш усуллари ишлаб чиқилган;

20-гидроксиэкдизоннинг гипогликемик, қувватлантирувчи таъсирга ва замбуруғларга қарши фаолликка эга янги ҳосилаларининг олиш усуллари ишлаб чиқилган;

«Экдисилен» субстанциясини олиш технологияси ва унинг дори шакллари (таблетка ва капсула) ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг замонавий физик-кимёвий тадқиқот усулларини қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Олинган натижаларнинг исботи мутахассисларнинг эксперт баҳолари, тадқиқот натижалари амалга оширилиши, уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси, натижалар рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши ва патентлар олинishi билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, *Caryophyllaceae* ва *Lamiaceae* оиласи ўсимлик вакиларининг 14 та янги туридан индивидуал кўринишда 34 та экдистероид ажратиб олиниб, иммуномодуловчи, тўқималардаги регенерация жараёнини тезлаштириш хоссасига эга субстанция яратилди. Экдистероидларни 43 та янги ҳосилалари синтез қилиниб, шунингдек гипогликемик ва замбуруғларга қарши дори препаратлар яратиш имконини берди. Диссертация иши натижалари Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида экдистероидлар кимёси ва уларнинг модификациялари соҳасидаги янги изланишларни такомиллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, иммуномодуловчи ва жароҳатланган териларни тез тиклаш фаоллигига эга «Фломбаиссун» ва «Экдисилен» субстанциялари яратилган, «Экдисилен» субстанциясини олиш технологияси ишлаб чиқилган, республика аҳолисини маҳаллий хом ашёлардан олинган дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Caryophyllaceae* ва *Lamiaceae* оиласи ўсимликлари экдистероидлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қувватлантирувчи, актопротекторли ва адаптогенли фаолликка эга «Экдисилен» субстанциясининг олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (21.04.2017 й., № IAP 05395). Натижада маҳаллий хомашёдан самарали қувватлантирувчи, актопротекторли ва адаптогенли фаолликка эга бўлган доривор восита яратиш имконини берган;

иммуномодулловчи ва адаптоген фаолликка эга «Фломбаиссун» субстанциясининг олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (21.04.2017 й., № IAP 05396). Натижада маҳаллий самарали иммуномодулловчи ва адаптогенли доривор восита яратиш имконини берган;

Caryophyllaceae оиласига мансуб ўсимликлардан ажратиб олинган экдистероидлар, уларнинг модификацияланган ҳосилаларининг тузилиши ва биологик фаоллигига оид маълумотлардан 5 дан ортиқ хориждаги импакт-фактори юқори илмий журналларда физик-кимёвий ва фармакологик таҳлили учун фойдаланилган (Boletin Latinoamericano y del caribe de Plantas medicinales y Aromaticas, 2012, V. 11, № 6, Research Gate, IF 0.56; Diversity, 2014, V. 6, Research Gate, IF 1.99; Asian Journal of Pharmaceutical and Clinical Research, 2017. V. 10, №4, Research Gate, IF 0.59). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ўсимликлардан экдистероидларни ажратиб олиш, модификацияланган ҳосилалари тузилишини исботлаш ва фармакологик фаоллигини таққослашда фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, 39 та илмий-амалий анжуманларда жумладан, 18 та республика ва 21 та халқаро конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 54 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 24 та мақола, жумладан, 13 таси республика ва 11 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек 2 та патент олинган ва 2 та патент учун ариза берилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 172 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор


йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экдистероидларнинг тузилиши, биологик хоссалари**» деб номланган биринчи бобида 100 дан ортиқ турли хил экдистероидларнинг тузилиши адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида тавсифлаб берилган. Ўсимликлар дунёсида тарқалган экдистероидлар шунингдек, ушбу экдистероидларни *Caryophyllaceae* ва *Lamiaceae* оиласи ўсимликларидан ажратиб олинганлиги кўрсатилган. Экдистероидларга оид маълумотлар замонавий тадқиқот усуллари: юқори самарадор суюқлик хроматография, ¹³C ЯМР спектроскопия, протон магнит резонанс спектроскопия, масс-спектрлар ва кимёвий модификация асосида тавсифланади. Шунингдек, фитоэкдистероидларнинг биологик фаоллиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Ишнинг асосий мазмуни ва танланган объектлар қисқача изоҳланган.

Диссертациянинг «*Caryophyllaceae*, *Lamiaceae* оиласи **экдистероидлари**» деб номланган иккинчи бобида амалга оширилган ишлар натижалари муҳокама қилинган.

Экдистероидларга бой янги хом ашё манбаларини излаб топиш мақсадида: *Dianthus angrenicus*, *Dianthus dalvaricus*, *Dianthus uzbekistanicus*, *Silene conica*, *Silene conoidea*, *Silene oreina* (*Caryophyllaceae* оиласи); *Eremostachys baissunensis*, *Lamium album*, *Scutellaria guttata*, *Stachys hissarica*, *Stachys sp* (*Lamiaceae* оиласи) каби ўсимликлар текширилган.

Dianthus angrenicus фитоэкдистероидлари. Ўсимлик таркибидаги компонентлардан индивидуал кўринишдаги экдистероидлар ажратиб олиш колонкали хроматография усулида амалга оширилди. Унинг таркибидан 4 та маълум экдистероидлар: витикостерон Е - 0,027% (5), полиподин В-0,047% (7), 20-гидроксиэкдизон-0,21% (2) лар идентификация қилинди (1-расм).



1. R₁=R₂=R₅=R₆=OH; R₃=R₄=H
2. R₁=R₂=R₄=R₅=R₆=OH; R₃=H
3. R₂=R₅=R₆=OH; R₁=R₃=R₄=H
4. R₂=R₄=R₅=R₆=OH; R₁=R₃=R₄=H
5. R₁=R₂=R₄=R₅=R₆=OH; R₃=H; R₆=OC(O)CH₃
7. R₁=R₂=R₃=R₄=R₅=R₆=OH
8. R₁=R₄=R₅=R₆=OH; R₃=H; R₂=α-D-Gal
9. R₂=R₅(β)=R₆=OH; R₁=R₃=R₄=H
10. R₁=R₂=R₄=R₅=R₆=C₂₆=OH; R₃=H
11. R₁=R₂=R₅=R₆=OH; R₃=H; R₅=α-D-Gal

1-расм. Ўсимликлардан ажратилган экдистероидлар.

Dianthus uzbekistanicus фитоэкдистероидлари. Ўсимликнинг ер устки қисми ўрганилди. Метаноли экстрактдан олинган бутаноли қисмидан хроматография усулида экдистероидлар: 2-дезоксид-20-гидроксиэкдизон-0,012% (4), 20-гидроксиэкдизон-0,036% (2) ажратиб олинди.

Dianthus sp фитоэкдистероидлари. Ўсимликнинг ер устки органларидан 2 та экдистероид: α -экдизон - 0,003 % (1), витикостерон Е - 0,07% (5) ажратиблиб, тузилиши ИК, ^1H , ^{13}C ЯМР-спектр маълумотлари билан идентификация қилинди.

Silene conica фитоэкдистероидлари. *Silene conica* ўсимлигининг ер устки органларидан: 20-гидроксиэкдизон (2), 2-дезоксизон (9), интегростерон А (6), силенеозид D (8) мос равишда 0,004; 0,0011; 0,0012; 0,0015 % унум билан ажратиблиб олинди, (ИК, ^1H , ^{13}C ЯМР) спектр ёрдамида идентификация қилинганда: 20-гидроксиэкдизон (2), силенеозид D (8), 2-дезоксизон (9) каби маълум экдистероидлар эканлиги аниқланди.

Silene oreina фитоэкдистероидлари. Ўсимликнинг ер устки қисмидан колонкали хроматография ёрдамида маълум бўлган бирикмалар 2-дезоксизон (0,0003%) (4) ва 20-гидроксиэкдизон (0,0007%) (2) ажратиблиб олинди.

Silene viscosa фитоэкдистероидлари. Ўсимликнинг ер устки қисмидан олинган экстракт колонкали хроматография қилинганда 20-гидроксиэкдизон (0,0017) (2), витикостерон Е (0,0012) (5) ажратиблиб олинди. 5, 2 бирикмаларнинг ЯМР спектри кимёвий силжиш константалари мос равишда витикостерон Е (5), 20-гидроксиэкдизон (2) каби бўлиши аниқланди.

Silene viridiflora фитоэкдистероидлари. Дастлабки тадқиқотларда *Silene viridiflora* ўсимлигидан асосий экдистероидлар: ўсимликнинг курук массасига нисбатан унум 0,35 % 20-гидроксиэкдизон (2), 0,25 % полиподин В (7), 0,2 % 2-дезоксизон (4), 0,2 % интегростерон А (6), 0,01% 2-дезоксизон (9), 0,035% 26-гидроксиполиподин В (10), 0,08% силенеозид А (11), 0,1 % силенеозид D (8) ажратиблиб олинди идентификация қилинди.

Silene viridiflora ўсимлигидан олинган «Экдизилен» субстанцияси бир қатор биологик фаолликлар – жароҳатланган терини тиклаши ва иммуномодуловчи хусусиятини намоён қилиб, тиббиётда қўлланилаётган препаратлар «Метилурацил», «Иммунал» билан таққосланганда фаоллик жиҳатидан улардан кам эмаслиги аниқланди.

Lamiaceae оиласи ўсимликлари орасида айниқса, *Ajuga turkestanica* ўсимлиги таркибида кўп миқдорда экдистероид сақлаши билан Ўзбекистонда истиқболли манбалардан ҳисобланиб ер устки қисмида экдистероидлар улуши (%): 20-гидроксиэкдизон - 0,2 (2), туркестерон - 0,17 (12), циастерон - 0,027 (13), аюгалактон - 0,0003 (14), аюгастерон В - 0,0031 (15), 22-ацетилциастерон - 0,14 (16) ташкил этади.

Ajuga turkestanica ўсимлигининг ер устки қисмидан 0,2 г 20-гидроксиэкдизон (2), 0,17 г туркестерон (12), 0,027 г циастерон (13) экдистероидлар ажратиблиб олинди, уларнинг биологик фаоллигини ошириш мақсадида кимёвий модификациялаш йўли билан янги ҳосилалар олинган.


Centaurea ugamica фитоэкдистероидлари. Экдистероид сақловчи янги хом ашё манбаларни топиш мақсадида *Centaurea ugamica* ўсимлиги текширилди. Метанолли экстрактдан олинган бутанолли фракцияни силикагелли колонкада хроматографиялаш йўли билан фракцияларга

ажратилди, хлороформ-метанол 15:1, 9:1, 4:1 нисбатдаги элюир системалар билан рехроматография қилиниб, 20-гидроксиэкдизон (0,0023%) (2) ажратиб олинди ва тозаланган фракциялар маълум намуналар билан таққосланиб 2-дезоксид-20-гидроксиэкдизон (0,0012%) (4), 2-дезоксид- α -экдизон (0,0014%) (3) ва аралаш кам қутбланган экдистероидлар мавжудлиги аниқланди.

Eremostachys baissunensis фитоэкдистероид ва иридоидлари. Янги хом ашё манбаси бўлган *Eremostachys baissunensis* M. Pop. ўсимлигидан кам қутбланган экдистероидлар: 2-дезоксид- α -экдизон - 0,0011% (9), 2-дезоксид-20-гидроксиэкдизон 0,0014% (4), 20-гидроксиэкдизон - 0,0019% (2) ва иридоид гликозидлар: ламалбид - 0.027 % (17), барлерин - 0.063 %. (18), флоригидосид С (5-деоксисесамосид) - 0.078 % (19) ларни ажратиб олинган. УФ-, ИК-, ^1H и ^{13}C ЯМР-спектри таҳлили ёрдамида маълум гликозидли иридоидлар: ламалбид (17), барлерин (18), флоригидосид С (19) кабилар идентификация қилинган.

Эндемик ўсимлик *Eremostachys baissunensis*нинг ер устки қисмидан асосий маҳсулот «Фломбаиссун» субстанцияси олинди ва у бир қатор биологик фаолликлар - жароҳатланган териларни тиклаш, иммуномодуловчи хусусиятни ва адаптогенли таъсирни намоён қилган.

Lamium album ўсимлиги фитоэкдистероидлари ва иридоидлари. Дастлаб *Lamium album* ўсимлигининг ер устки қисми фитоэкдистероидларга нисбатан тадқиқ қилинган ва натижада тўртта экдистероид-абутастерон (20), инокостерон (21), полиподин В (7) ва птеростерон (22) ажратиб олинган. Ўсимлик экстрактдан колонкали хроматография ёрдамида маълум экдистероидлар: α -экдизон - 0,0021% (1), 20-гидроксиэкдизон - 0,0015% (2), инокостерон - 0,00110% (21), полиподин В - 0,0019% (7) ва иридоидлар ламалбид (17), барлерин (18), карйоптозид (23), ламиол (24) лар ажратиб олинди (2-расм).



2-расм. Ўсимликлардан ажратилган иридоидлар.

Scutellaria guttata фитоэкдистероидлари. Ўсимликнинг қуритилган ва майдаланган ер устки қисми экстракция қилинди ва силикагелли колонка хроматография усулида элюирловчи хлороформ-метанол 15:1, 9:1, 4:1 системалар иштирокида 20-гидроксиэкдизон 0,0007% ажратиб олинди (2), тозаланган фракцияларда α -экдизон 0,0005% (1) мавжудлиги аниқланди.


Stachys hissaricia фитоэкдистероидлари. Ўрта Осиё худудларининг

жумладан Тошкент ва Фарғона вилоятларида *Stachys hissarica* (*Labiatae* оиласи) турлари кўплаб учрайди.

Stachys hissaricia ўсимлиги тадқиқ қилиниб унинг таркибидан асосий экдистероидлар: 20-гидроксиэкдизон (0.33%) (2), полиподин В (0.22%) (7), 2-дезоксид-20-гидроксиэкдизон (0.22%) (4), интегристерон А (0.2%) (6) ва 2-дезоксидэкдизон (0.01%) (9)лар ажратиб олинди ва идентификация қилинди, унум ўсимликнинг куруқ массасига нисбатан олинган.

Экдистероидлар модификацияси. Экдистероидларнинг фармакологик самарадорлигини ошириш учун уни янада истиқболли қилиш мақсадида, ангидрид, хлорангидрид ва бошқалар билан модификацияси амалга оширилди.

20-гидроксиэкдизоннинг янги ацетонид ҳосилалари. 20-гидрокси-экдизоннинг (2) 2,3 ҳолат бўйича гидроксил-гуруҳларини ацетонид гуруҳи билан ҳимоялаб 2,3-О-, 20,22-О-моноацетонид ҳосила олинди, ушбу ҳосиланинг ОН-гуруҳлари танланиб турли трансформацияларни амалга ошириб, фитоэкдистероидларнинг фаол вакиллари олиш мумкин.



1-схема. 20-Гидроксиэкдизоннинг ацетонид ҳосилаларини олиш.


Маълум усуллардан фойдаланиб 32% унум билан 2,3-О-моноацетонид-20-гидрокси-экдизон (25) (суюқ. ҳарорати 136-137°C); 27% унум билан 20,22-О-моноацетонид-20-гидроксиэкдизон (26) (суюқ. ҳарорати 223-224°C) ва 19% унум билан 2,3,20,22-ди-О-ацетонид-20-гидроксиэкдизонлар (27))суюқ. ҳарорати 134-135°C) ҳосилалари олинди (1-схема).

Аралаш бирикмаларни (25, 26, 27) колонкали хроматография ёрдамида ажратилди. Уларнинг тузилиши ^{13}C -, ^1H -ЯМР спектрда исботланди.

2,3-О-Моноацетонид-20-гидроксиэкдизон (25) ва 2,3,20,22-ди-О-ацетонид-20-гидроксиэкдизон (27) билан кимёвий трансформацияларни амалга ошириб кейинги конъюгат бирикмалар: 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35 олинди.

2,3-О-моноацетонид-20-гидроксиэкдизон (25) ни сирка ангидрид билан реакцияси амалга оширилганда 2,3-О-моноацетонид-О-22,25-О-диацетат-20-гидроксиэкдизон (28) ва 22,25-ди-О-ацетат-20-гидроксиэкдизон (29) олинди (2-схема).

Сирка ангидриди билан ацеллаш натижасида – 2,3-О-моноацетонид-22,25-О-диацетат-20-гидроксиэкдизон (28) ҳосиласи олинди. Экдистероид 28 10%-ли HCl билан иштирокида кислотали шароитда гидролизлаб, ҳимояланган ацетонид гуруҳи олинди ва натижада С-22 и С-25 ҳолатда ацетат фрагмент алмашинган 20-гидроксиэкдизон (29) ҳосиласи олинди.




2-схема. 22,25-О-Диацетат-20-гидроксиэкдизонни олиш.

Бирикма **29** ни кимёвий тузилишини ¹H ва ¹³C ЯМР спектр маълумотлари билан тасдиқланди. ¹H ЯМР спектрида бирикма **2** молекуласи билан таққосланганда H-22 (δ 5.32) 1.56 м.у. да сигналлар нисбатан кучсиз майдон томон силжиши кузатилган. Спектрнинг кучли майдон қисмида ацетат фрагментининг иккита қўшимча метил-гурухи синглет сигнали шаклда 1.83 и 1.95 м.у. атрофида резонансланади.

¹³C ЯМР спектрида углерод атомлари C-22 ва C-25 сигнали кучсиз майдонга силжиганлиги (80.56 ва 82.35 м.у. тегишлича) кузатилган. Бундан ташқари, спектрда кузатилган қўшимча сигналлар 26.52 ва 26.66 м.у. атрофида, метилнинг углерод атомларига тегишли алифатик қисмнинг иккита углерод атомлари бўлади. Ацетат гуруҳи ҳосил бўлганда карбонил гуруҳининг иккита углерод атом сигналлари 170.74 ва 171.76 м.у. соҳа атрофида кучсизроқ майдонда пайдо бўлади. Юқорида келтирилган натижалардан кўринадики, **29** бирикма 20-гидроксиэкдизон молекуласининг C-22 ва C-25 ҳолатларида ацетат фрагменти жойлашганлигидан дарак беради.

2,3-О-Моноацетонид-20-гидроксиэкдизонни (**25**) пропионат ангидрид билан ўзаро таъсирлаштириб, 57 % унум билан 2,3-О-моноацетонид-22-О-пропионил-20-гидроксиэкдизон (**30**) олинди. Бирикма **30** ни 10%-ли HCl иштирокида кислотали шароитда гидролизлаб, ҳимояланган ацетонид гуруҳи олинганда 69 % унум билан 22-О-пропионил-20-гидроксиэкдизон (**31**) синтез қилинди (3-схема).




3-схема. 22-О-Пропионил-20-гидроксиэкдизонни олиш.

¹H ЯМР спектрада бирикма **31** нинг H-22 протон сигналлари дублет кўринишда 5.39 м.у. (J=10.8), 1.63 м.у. атрофида кучсиз майдон соҳага силжиши кузатилади. Спектрада этил гуруҳининг характерли сигналлари 0.96 (т, J=7.5 Гц) ва 2.26 (к, J=7.5 Гц) м.у. атрофида кузатилган. ¹³C ЯМР ва DEPT спектрлар таҳлили маълумотлари **31** бирикмада 30 та углерод атом сигналлари мавжудлигини кўрсатган. ¹³C ЯМР спектрада **2** бирикма билан таққосланган, **31** бирикманинг C-22 (δ 80.74 м.у.) 2.7 м.у. га сигналлари

кучсиз майдон соҳага силжиши кузатилган. Бундан ташқари спектрда 10.13, 28.63 ва 175.21 м.у. атрофида қўшимча учта углерод атомлар - пропион кислота қолдиқ сигналлари кузатилган. Бу **31** бирикманинг С-22 ҳолатида мураккаб эфир гуруҳи жойлашганлигидан дарак беради.


2,3,20,22-О-диацетонид-20-гидроксиэкдизон (**27**) билан мой кислота ангидридни ўзаро таъсир эттириб 25-О-бутаноил-20-гидроксиэкдизон олинди. (**33**). Бирикма **32** ни диацетонид гуруҳини (10%-ли HCl да) гидролизлаб экдистероид 25-О-бутаноил-20-гидроксиэкдизон (**33**) олинди (4-схема).



4-схема. 25-О-Бутаноил-20-гидроксиэкдизонни олиш.

Бирикма **33** молекуласининг тузилиши ^1H , ^{13}C ЯМР спектри ва DEPT эксперимент таҳлили асосида аниқланди. ^1H ЯМР спектри мой кислота қолдиғи метил гуруҳлари кучлироқ майдон 0.68 м.у. соҳа ($J=7.4$ Гц) атрофида триплет шаклида сигналлар пайдо бўлган. ^{13}C ЯМР спектрда бирикма **33** нинг С-25 углерод атом сигнали бирикма **2** молекуласи билан таққосланганда (80.76 м.у.) кучсиз майдон соҳада силжиши кузатилган. Бу ҳолда қолган гидрокси сақлаган углерод атомларда кимёвий силжиш сезиларли ўзгармаган. Спектрда мой кислота қолдиғи 12.08, 27.55 ва 40.48 м.у. соҳа атрофида қўшимча алифатик гуруҳига оид углерод атомлари пайдо бўлган. Стероид молекуласи билан бир қаторда кучсизроқ майдон 173.36 м.у. атрофида карбонил гуруҳининг углерод атомлари сигнали пайдо бўлган. Юқорида келтирилган натижаларда, бирикма **33** 20-гидроксиэкдизон молекуласининг С-25 ҳолатида мой кислота қолдиғи жойлашганлигини кўрсатади.

2,3-О-моноацетонид-20-гидроксиэкдизон (**25**) билан қаҳрабо ангидриди реакцияси амалга оширилганда 2,3-О-моноацетонид-О-22-О-сукцинат-20-гидроксиэкдизон (**34**) ва 22-О-сукцинат-20-гидроксиэкдизон (**35**) олинди (5-схема).



5-схема. 22-О-Сукцинил-20-гидроксиэкдизонни олиш.

Моноацетонид **25** ва 2,3-моноацетонид-22-О-сукцинат-20-гидроксиэкдизон (**34**) аралашмадан, колонкали хроматография ёрдамида ажратиб олинди.


2,3-*O*-моноацетонид-20-гидроксиэкдизон (**25**) билан қахрабо кислота ангидриди реакцияси фақат иккиламчи 22-чи углерод атоми бўйича борди ва 2,3-*O*-моноацетонид-22-*O*-сукцинил-20-гидроксиэкдизон (**34**) ҳосил бўлди.

2,3-*O*-моноацетонид-22-*O*-сукцинил-20-гидроксиэкдизон (**34**) 10% HCl (кислотали муҳит pH 4 гача) гидролизлаб бирикма **35** олинди.

¹³C ЯМР спектр таҳлили маълумотлари бирикма **35** нинг парамагнит майдонида C-22 (81.21 м.у.) углерод атомининг кучсизроқ соҳага силжиши кузатилди. Бундан ташқари, спектрда стероид молекула сигнали билан бир қаторда қахрабо кислота қолдиғининг алифатик қисм спектри иккита углерод атом сигналларини 31.02 м.у. ва 30.85 м.у. да берди. Иккита карбонил гуруҳига хос сигналлар 173.82 ва 176.13 м.у. кучсизроқ майдон атрофида пайдо бўлди. Бу маълумотлар мураккаб эфир қолдиқлари C-22 да боғлангалигини аниқлашга имкон берди.

2,3-*O*-Ди-(этилкарбонат)-20,22-*O*-карбонат-20-гидроксиэкдизон синтези. Бирикма **2** билан этилхлорформиат ўзаро таъсирлаштириб 2,3-*O*-ди-(этилкарбонат)-20,22-*O*-карбонат-20-гидроксиэкдизон (**36**) олинди (6-схема). Бирикма **2** ва **36** лар аралашмадан индивидуал кўринишда колонкали хроматография ёрдамида ажратиб олинди.

Тозаланган 2,3-*O*-ди-(этилкарбонат)-20,22-*O*-карбонат-20-гидроксиэкдизон (**36**) ни ¹H, ¹³C, ЯМР спектр ва Dept, Hetscor экспериментлар ёрдамида таҳлил қилинди.




6-схема. 2,3-*O*-Ди-(этилкарбонат)-20,22-*O*-карбонат-20-гидроксиэкдизонни олиш.

Спектр маълумотларига кўра, 2,3-*O*-ди-(этилкарбонат)-20,22-*O*-карбонат-20-гидроксиэкдизон (**36**) *O*-этилкарбонат ва карбонат алмашинган *O*-тетра-эфир 20-гидроксиэкдизон (**36**) каби тузилишга эга эканлиги ¹H ЯМР спектр маълумотлари асосида тасдиқланди. Протон H-2 сигнали 0.79 м.у. да кучсиз майдонга силжиган, 4.84 м.д. да дублет – триплет (J=12,6; 3,9) кўринишда пайдо бўлса, протон H-3 сигнали 5.09 м.у. (уш.д., J=2.4) атрофида кузатилган, H-22 да кимёвий силжиш сигнали 4.33 м.у. (дд, J=8.9; 4.0) да пайдо бўлган.

¹³C ЯМР спектри таҳлили маълумотларининг кўрсатишича **36** бирикма C-2 (71.87 м.у.), C-3 (70.83 м.у.), C-22 (84.22 м.у.) углерод атомлари ва шуниндек C-25 (68.35 м.у.) углерод атом сигналлари кучсиз майдон томон кўпроқ силжишини кўрсатади.

Шундай қилиб, **36** бирикма 2,3-*O*-ди-(этилкарбонат)-20,22-*O*-карбонат-20-гидроксиэкдизон тузилиши аниқланган.

Гексансульфо кислота 20-гидроксиэкдизон ҳосилалари синтези.
 Биологик фаол бирикмалар олиш мақсадида 20-гидроксиэкдизон билан гексан-сульфо кислота хлорангидриди реакцияси амалга оширилди (7-схема). Реакция куруқ пиридинда 35°C 0.5 соат давомида қуйидаги схема бўйича амалга оширилди:



7-схема. 2-О; 2,22-О-Ди-(гексансульфо)-20-гидроксиэкдизонни олиш.


Олинган бирикмалар: 17,46% 2-О-(гексансульфо)-20-гидроксиэкдизон (37), 23,07% 2,22-О-ди-(гексансульфо)-20-гидроксиэкдизон (38). Индивидуал бирикмалар юпка қатламли хроматография (ЮҚХ) да иккита доғ $R_f=0,29$ (37), $R_f=0,48$ (система-хлороформ:метанол (6:1)) (38), тегишли кўринишда пайдо бўлади.

^1H -, ^{13}C -ЯМР спектрлар таҳлили натижалари асосида тузилиши исботланди.

Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, эркин 20-гидроксиэкдизон кўпгина тест-культуралари микроорганизмларга қарши фаолликни намоён қилмаган. 20-Гидроксиэкдизон молекуласининг С-2, С-22 ҳолат бўйича гексансульфо – гуруҳи киритилганда эса, унинг микробга қарши фаоллиги кескин ортган.

20-Гидроксиэкдизонни о-хлорбензоил ҳосилалари синтези. 20-гидрокси-экдизоннинг ациллаш реакцияси пиридин иштирокида о-хлорбензой кислота хлорангидриди таъсир эттириб амалга оширилди.

Кўп миқдорда олинган о-хлорбензой кислота хлорангидридга тўғридан тўғри этерификацияси амалга оширилганда қисқа вақт оралиғида 20-гидрокси-экдизоннинг моно-, ди-, три- и тетра-эфиратлар аралашмаси ҳосил бўлади (8-схема). Кейин реакция маҳсулотлар аралашмаси таркибидан колонкали хроматография (силикагелли) усули ёрдамида янги ҳосилалар - 2-О-(о-хлорбензоил)-20-гидроксиэкдизон (39), 2,3-ди-О-(о-хлорбензоил)-20-гидроксиэкдизон (40), 2,3,22-три-О-(о-хлорбензоил)-20-гидроксиэкдизон (41), 2,3,22,25-тетра-О-(о-хлорбензоил)-20-гидроксиэкдизон (42) ажратиб олинди. Уларнинг тузилиши ^1H , ^{13}C ЯМР спектрлари ва 2D экспериментлар таҳлил натижалари ёрдамида аниқланди.



8-схема. о-Хлорбензоил 20-гидроксиэкдизон ҳосилалари синтези.

Моно-ацилланган бирикма **39** махсулотни тузилиши 20-гидрокси-экидзон (**2**) каби бўлиши ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрларда олинган маълумотлар билан исботланди. Спектрда, Н-3 α ва Н-22 метин протонлари тегишлича 4.45 ва 3.92 м.у. да сигналлар иштироки, Н-2 α протон сигнал 5.54 м.у. да дублет триплет кўринишда намоён бўлади. Бирикма **2** ни спектрда Н-2 α сигнали резонансланиш 4.07 м.д. да, шуниндек 1.47 м.д. да кучлироқ майдонда, моноэфир **39** ни спектри Н-3 α сигнали экваториал протон силжиш фарқи 0.34 м.у. кучсиз майдонда пайдо бўлади. Спектрда *o*-хлорбензоил қолдигининг ароматик қисми тўрта протонлар сигнали резонанслашади. ^{13}C ЯМР спектрида бирикма **39** да С-2 (δ 74.64 м.у.) 6.0 м.у. га кучсиз майдонга силжиши кузатилган сигналлар билан таққосланган бирикма **2** молекуласи каби бўлади. Қолган гидрокси сақлаган углерод атомларида кимёвий силжиш сезиларли ўзгармаган. Кузатилаётган бирикма **39** 2-О-(*o*-хлорбензоил)-20-гидроксиэкидзон эканлиги тасдиқланди.

^1H ЯМР спектрда кузатилишича, ди-О-эфир **40** нинг Н-2 ва Н-3 (тегишлича δ 5.73, 5.99 м.у.) протон сигналлари кучсиз майдонга силжиши таққосланган **2** бирикма каби бўлади. Шундай қилиб кимёвий силжиш Н-22 да сезиларли ўзгармайди. ^{13}C ЯМР спектри **40** бирикманинг С-2 углерод атомида парамагнит сигналлар (71.45 м.у.) ва С-3 (70.12 м.у.) силжиши кузатилади. Бундан ташқари спектрда *o*-хлорбензоил гуруҳи ароматик халқасининг 12 углерод атомлар сигнали 127-134 м.у. соҳада кузатилган. Иккита карбокси гуруҳ углерод атомлар сигналлари 165.26 ва 165.47 м.у. кучсизроқ майдонда пайдо бўлади. Бу маълумотларнинг кўрсатишича, **40** бирикмадаги мураккаб эфир гуруҳи С-2 ва С-3 ҳолатларда жойлашади. Текширилаётган **40** бирикма 2,3- ди-О-(*o*-хлорбензоил)-20-гидроксиэкидзон эканлиги аниқланди.

Триэфир **41** ни ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрида НЕТCOR эксперименти натижалар углерод ядро ва протон сигналлари қўлланилиб баҳоланган.


Н-2, Н-3 ва Н-22 протонлар сигнали кузатилганда **2** бирикмага нисбатан сезиларли кучсиз майдонда δ 5.59, 5.83 ва 5.68 м.у. пайдо бўлади, бу эса С-2, С-3 ва С-22 ҳолатларда учта *o*-хлорбензоил гуруҳи жойлашганлигини кўрсатади. Спектрнинг учта *o*-хлорбензоил функционал-гуруҳи кучсиз майдон қисмида кўшимча учта комплекс протонлар сигнали пайдо бўлади. ^{13}C ЯМР ва DEPT спектрлари таҳлили маълумотларига кўра, **41** бирикмада 48 та углерод атомлари сигнали иштирок этган. Спектрда С-2, С-3 ва С-22 углерод атомлари сигнали (тегишлича 71.49 м.у., 70.17 м.у., 82.46 м.у.) силжиши, сезиларли даражада кучсиз майдон томонга ўтиши кузатилади. Бундан ташқари, 127-134 м.у. соҳаларда 3 та ароматик халқанинг 18 углерод атомлари сигнали кузатилди. *o*-Хлорбензоил қолдигининг карбонил гуруҳида учта углерод атоми сезиларли кучсиз майдон 165.31-166.65 м.у. соҳаларда пайдо бўлди. Юқорида келтирилган натижаларни кўрсатишича, **41** бирикманинг молекуласи С-2, С-3 ва С-22 ҳолатларида мураккаб эфир жойлашган, **41** бирикма эса 2,3,22-три-О-(*o*-хлорбензоил)-20-гидрокси-экидзондир.

Олинган натижалар, ^1H ЯМР спектрида Н-2 α , Н-3 α ва Н-22 (5.68 м.д., 5.99 м.д., 5.82 м.д.) кимёвий силжиш таҳминий сигналлар **42** тетраэфирга

хосдир. Бирикма **42** нинг ^{13}C ЯМР спектри маълумотлар таҳлили кўрсатдики, С-2, С-3 ва С-22 углерод атомлари билан бир қатори С-25 (84.75 м.д.) углерод атоми сигналлари кучсиз майдонга кўпроқ силжиганлиги кузатилади. Бу ерда шундай хулоса қилиш мумкинки, **42** бирикма молекуласининг С-25 ҳолатида тўртинчи мураккаб эфир жойлашган. Шундай қилиб, **42** бирикманинг тузилиши 2,3,22,25-тетра-О-(*o*-хлорбензоил)-20-гидроксиэкдизондан иборат.

4-бромбензоил 20-гидроксиэкдизон синтези. Бирикма **2** билан модификацияни давом эттириш мақсадида, 4-бромбензоилхлоридни 20-гидроксиэкдизонга (**2**) бириктириш мақсадида бирикмалар синтези амалга оширилди ва модификация натижасида навбатдаги 4-бромбензоил 20-гидроксиэкдизон ҳосилалари олинди. Реакцияда 4-бромбензоил 20-гидроксиэкдизоннинг тўртта аралаш ҳосилалари ҳосил бўлди. Колонкали хроматография ёрдамида индивидуал компонентларга ажратилди.

Натижада янги ҳосилалар - 2-О-(4-бромбензоил)-20-гидроксиэкдизон (**43**), 2,3-О-ди-(4-бромбензоил)-20-гидроксиэкдизон (**44**), 2,3,22- три-О-(4-бромбензоил)-20-гидроксиэкдизон (**45**), 2,3,22,25-тетра-О-(4-бромбензоил)-20-гидроксиэкдизон (**46**) олинди (9-схема).




9-схема. 4-Бромбензоил 20-гидроксиэкдизон ҳосилалари синтези.

Уларнинг тузилиши ИҚ-, УБ-, ^1H , ^{13}C ЯМР спектри ва 2D экспериментал таҳлил натижалари асосида исботланди.

o-Метоксибензоил ҳосиласи ва 2-дезоксид- α -экдизон синтези. 2-Дезоксид- α -экдизон (**3**) ўзининг структурасида тўртта гидрокси – гуруҳ тутади; ациллаш реакциясида иккиламчи ОН-гуруҳининг реакция қобилияти қуйидагича $\text{C}_{22}>\text{C}_3>\text{C}_{25}$ камайиб боради.

2-Дезоксид- α -экдизон – *o*-метоксибензоил ҳосилалар синтезида 2-дезоксид- α -экдизон (**3**) ациллаш реакцияси пиридинда *o*-метоксибензой кислота хлорангидриди таъсир эттириб амалга оширилди.



10-схема. *o*-Метоксибензоил 2-дезоксид- α -экдизон синтези.


Реакция тугагандан кейин олинган аралашма, колонкали хроматография ёрдамида индивидуал компонентларга ажратилди: 22-О-(*o*-метоксибензоил)-

2-дезоксид- α -экизон (47) (9.79%), 3,22-ди-О-(*o*-метоксибензоил)-2-дезоксид- α -экизон (48) (20,5%), 3,22,25-три-О-(*o*-метоксибензоил)-2-дезоксид- α -экизон (49) (7.6%) (10-схема).

Тозаланган 22-О-(*o*-метоксибензоил)-2-дезоксид- α -экизон (47), 3,22-О-ди-(*o*-метоксибензоил)-2-дезоксид- α -экизон (48), 3,22,25-О-три-(*o*-метоксибензоил)-2-дезоксид- α -экизон (49) ИҚ, УБ, ^1H , ^{13}C ЯМР спектрлар ва НМВС эксперимент маълумотлари ёрдамида таҳлил қилинди.

3,22-Ди-О-(*o*-метоксибензоил)-2-дезоксид- α -экизон (48) тузилиши ЯМР ^1H спектри маълумотлари билан исботланди. Диэфир 48 протонларининг кимёвий силжиши натижасида С-3 (5.30 м.у.), С-22 (5.65 м.у.) сигналлар пайдо бўлади. ^{13}C ЯМР спектрида иккита *o*-метоксибензоил углерод атоми қолдиғи сигналари С-3, С-22 кимёвий силжиши, тегишлича 69.47 м.у.; 79.12 м.у. кузатилади.

20-Гидроксиэкизоннинг *o*-метоксибензоил ҳосиласи синтези. 20-Гидроксиэкизон *o*-метоксибензоил ҳосилалар синтези 20-гидроксиэкизон (2) ни ациллаш реакцияси пиридинда *o*-метоксибензой кислота хлорангидридини таъсир эттириш билан амалга оширилди.



11-схема. 20-Гидроксиэкизоннинг *o*-метоксибензоил ҳосиласи синтези.

Колонкали хроматография ёрдамида аралашмани индивидуал компонентларга ажратилди. Бунда янги ҳосилалар: 2-О-(*o*-метоксибензоил)-20-гидроксиэкизон (50), 2,22-О-ди-(*o*-метоксибензоил)-20-гидроксиэкизон (51), 2,3,22-О-три-(*o*-метоксибензоил)-20-гидроксиэкизон (52), 2,3,22,25-О-тетра-(*o*-метоксибензоил)-20-гидроксиэкизон (53) (11-схема)лар олинди.

20-Гидроксиэкизон *o*-метоксибензоил ҳосилалари тузилиши ^1H , ^{13}C , ЯМР спектрлари ёрдамида ва DEPT, HETCOR экспериментлар ёрдамида ўрганилди.

2,3,22-О-Три-(*o*-метоксибензоил)-20-гидроксиэкизон (52) тузилиши ^1H ЯМР спектр маълумотлари билан тасдиқланди. Н-2 протон сигнали дублет – триплет ($J=12,4$; $3,4$) 5.71 м.у. да кўринишда пайдо бўлади, Н-3 протон сигнали эса 5.94 м.у. (уш.с.) да кузатилди, Н-22 сигнал кимёвий силжиши 5.78 м.у. (дд, $J=10.6$; 2.0) да бўлади.


ЯМР ^{13}C спектри таҳлили маълумотларига кўра, 52 бирикма С-22 даги (81.81 м.д.) углерод атом сигналлари кучсиз майдонга кўпроқ силжиши кузатилди ва шу билан бир қаторда С-2 углерод атомлари (70.66 м.д.) С-3 (69.19 м.д.) каби бўлади.

Туркестероннинг *o*-метоксибензоил алмашинган ҳосиласи синтези. Туркестероннинг *o*-метоксибензоил ҳосилаларини олиш учун (12) ациллаш реакцияси *o*-метоксибензой кислотага хлорангидрид таъсир эттириш орқали

амалга оширилди.

Реакция курилган пиридинда олиб борилди. *o*-Метоксибензоил-туркестероннинг (**54-57**) ҳосил бўлиш унуми 47-69 % ташкил этади.

Колонкали хроматография ёрдамида аралашмани индивидуал компонентларга ажратилди.




12-схема. *o*-Метоксибензоил алмашинган туркестерон ҳосиласи синтези.

Бунда янги ҳосилалар: 2-О-(*o*-метоксибензоил)-туркестерон (**54**), 2,11-О-ди-(*o*-метоксибензоил)-туркестерон (**55**), 2,3,11-О-три-(*o*-метоксибензоил)-туркестерон (**56**), 2,3,11,22-О-тетра-(*o*-метоксибензоил)-туркестерон (**57**) (12-схема) олинди.

^1H ЯМР спектрида **54-57** бирикмаларнинг Н-11 метоксибензоил протон сигналлари 6.04 - 6.12 м.у. соҳада жойлашганлиги кузатилди.

^{13}C ЯМР спектрида **54-57** бирикмаларнинг С-11 характерли сигналлари (72.84 м.у.) га тегишли соҳалар хос бўлганлиги аниқланди.

o-Метоксибензоил-алмашинган циастерон синтези. Циастерон (**13**) билан *o*-метоксибензой кислота хлорангидридини ўзаро таъсирлаштириб циастероннинг тегишли моно-, ди- ва три-*o*-метоксибензоил-алмашинган (**58-60**) ҳосилалари аралашмаси олинди (13-схема), колонкали хроматография ёрдамида аралашма индивидуал компонентларга ажратилди.




13-схема. *o*-Метоксибензоил-алмашинган циастерон синтези.

Бирикмалар **58-60** нинг тузилиши ^1H , ^{13}C ЯМР ва ИҚ спектроскопия усулларида исботланди.

Бирикма **59** нинг ^1H ЯМР спектрида Н-2 протони 5,67, дт, ($J=11.7$; 3.5) м.у. да, Н-3 протони 5,95 (уш.с.) м.у. да, Н-22 протони эса 4.00, дд, ($J=9.6$, 3.2) м.у. хос характерли сигналлар мавжуд бўлса ва ^{13}C спектрда, С-2 70.66 м.у. да, С-3 69.16 м.у. да, С-22 74.51 м.у. да углерод атомларига хос характерли сигналлар кўринган.

Пиколинат алмашинган 20-гидроксиэкдизон синтези. 20-Гидрокси-экдизон (**2**) билан пиколин кислота хлорангидридининг 1:4 нисбатда реакциси амалга оширилганда 20-гидроксиэкдизоннинг тегишли пиколин ҳосилалари: (61-64) 2-О-пиколиноил-20-гидроксиэкдизон (**61**), 2,22-О-ди-(пиколиноил)-20-гидроксиэкдизон (**62**), 2,3,22-О-три-(пиколиноил)-20-


гидроксиэкдизон (**63**), 2,3,22,25-О-тетра-(пиколиноил)-20-гидроксиэкдизон (**64**) (14-схема) лар олинди.



14-схема. Пиколинат алмашинган 20-гидроксиэкдизон синтези.

Моно-алмашинган-пиколиноил 20-гидроксиэкдизон (**2**) маҳсулотининг тузилиши 2-О-(пиколиноил) (**61**) каби бўлиши ^1H ЯМР спектрида олинган маълумотлар билан исботланди. Спектрда, Н-3 α и Н-2 α метин протон сигналлари тегишлича 4.30 м.у. ва 5.27 м.у. да мавжуд бўлади. Бирикма **61** нинг кимёвий силжиши Н-22 метин протони 5.166 м.у. да кенгайган дублет (J 10.5 Гц) бўлса, 20-гидроксиэкдизон (**2**) спектрда эса Н-22 (δ 4.03 м.д.) га, бошланғич бирикма **2** нисбатан сигналлар кучсиз майдонга силжиган бўлади.

20-гидроксиэкдизоннинг 6-хлорникотинат ҳосиласи синтези. 20-гидроксиэкдизоннинг (**2**) ациллаш реакцияси пиридинда 6-хлорникотиноилхлорид таъсир эттириб амалга оширилди. Колонкали хроматография ёрдамида аралашмани индивидуал компонентларга ажратилди. Уларнинг тузилишини ^1H , ^{13}C ЯМР спектр натижалари билан тасдиқланди (15-схема).




15-схема. 6-хлорникотинат 20-гидроксиэкдизон ҳосиласи синтези.

20-гидроксиэкдизоннинг гидразонлари синтези. Бирикма **2** билан семикарбазид хлоргидратни тўғридан-тўғри метанолда реакцияси амалга оширилди ва натижада дастлаб семикарбазон **69**, сўнг гидразон **70** ва дегидратацияга учраган бирикма **71** ҳосил бўлди. 6-Семикарбазон-20-гидроксиэкдизон (**69**), турғун ҳолдаги бирикмалар 6-N-гидразон-20-гидроксиэкдизон (**70**) ва 6-N-гидразон-стахистерон В (**71**) ларнинг синтезини бизлар биринчи марта амалга оширдик (16-схема).

Реакция тугагандан кейин олинган аралашма колонкали хроматография ёрдамида индивидуал бирикмаларга ажратилди. Дастлаб гидразон **70** ва дегидратацияга учраган бирикма **71** олинди, бирикма **69** ни эса индивидуал кўринишда ажратиб олишнинг имкони бўлмади (16-схема).

Реакцион маҳсулотлар 6-N-гидразон-20-гидроксиэкдизон (**70**) ва кўшимча каби 6-N-гидразон-стахистерон В (**71**) ларни тузилиши ^1H ЯМР ва ^{13}C (CD_3OD (49.00), δ , м.д., $J/\text{Гц}$, 400 МГц) спектр таҳлили ва DEPT, HMBC δ_{C} 100 МГц. эксперимент маълумотлари асосида исботланди.



16-схема. 20-гидроксиэктизоннинг гидразонлари синтези.

